

ҳисобланади. Бундан ташқари таълим психологияси буйича болаларни тарбиялаш методлари ва «*Хохишлар этикаси*» асарини ёзган. Инсон характери хақида батафсил туталиб утган. Характер хислатларни салбий томондан ўзгартириш мумкин, деган фикрни илгари сурган. Давоний болаларнинг психик тараккиётига мухитнинг ролига юқори баҳо берган. Бундан ташқари Давоний болаларнинг калбини тоза тахтага ухатади, унга хоҳлаган нарса ёзиш ёки чизиш мумкин. Уларнинг психикаси эса тоза коғозга ухшайди ва бу коғоз унинг хаётида тулдирилади, деб таъкидлайди.

Унингбу фикрларини ундан 200 йил илгари, кейин буюк инглиз файласуфи Джон Локк «*Табўл роза*» таълимоти билан фанга киритади, демак Ўрта Осиё мутафаккирлари узларининг илмий дунёкарашлари билан жаҳон фани тараккиётига ва унинг ривожланишига салмокли хисса қушган. Уларнинг яратган асарлари фан ва техника тараккиётининг бошланиш давригача ўқув қулланмалари сифатида қулланиб келган. Баъзи асарлари эса ҳозирги кунга қадар ҳам уз аҳамиятини йукотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ.
2. Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Т. : Маънавият, 2008.
3. Мунавваров А.К. «Педагогика», Т., «Ўқитувчи» 1996.
4. Абу Райҳон Беруний танланган асарлари фан нашриёти 1994 йил.
5. Абу Али ибн Сино Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993

йил.

Ш.Ф. Нуриддинова, научный руководитель З.Э. Мирахмедова
Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта
Ташкент, Узбекистан
epsona0077@gmail.com

ТАЛАБА ЁШЛАР ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИЛИШИДАГИ АЙРИМ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР

Аннотация. В данной статье даны проблемы и решения эффективной реализации образовательного процесса в высших учебных заведениях, необходимое постоянное взаимодействие студентов и преподавателей. Этот эффект отличается от отношений между учителем и учеником средней школы или между учителями и учащимися лицеев и колледжей, которые, с одной стороны, зависят от их возраста, социального и правового статуса, а также от «учитель-учитель» и «ученик-слушатель».

Ключевые слова: воспитание, эффективность, взаимопонимание, взаимодействие, педагогика.

Ҳозирги энг долзарб муаммолардан бири олий ўқув юртлиридаги таълим-тарбия ишлари самарадорлигини кескин оширишдан иборат. Олий ўқув юртлиридаги таълим тарбия жараёнлари самарали амалга ошириш учун талабалар билан ўқитувчилар уртасида узлуксиз таъсир ўтказиш ҳукм суриши лозим. Бу таъсир ўтказиш умумтаълим мактаби ўқитувчиси ва ўқувчиси уртасидаги, ёки лицей ва коллеж ўқитувчиси ва ўқувчилари уртасидаги муносабатлардан фарк қилади, бу бир томондан улар уртасидаги ёш хусусиятларига, ижтимоий – ҳуқуқий мавқеларига боғлиқ булса, аудиторияда «устоз-муаллим» ва «шоғирд-тингловчи», тарзида, аудиториядан ташқарида дустана, ака-ука, хатто «ота-бола» муносабатларига яқин дустана, дилкаш булиши мақсадга мувофиқдир. Лекин, шу вақтгача олий мактаб психологияси, ундаги

талабава профессор–укитувчилар уртасидаги психологик мухит чуқур таҳлил килиб чиқилмаган.

Олий укув юртидаги таълимнинг узига хос хусусиятлари талабаларнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар билан мулоқотга киришиш учун муҳим имконият яратади. Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири – ижтимоий етукликнинг жадал сурат билан руёбга чиқишидир. Талабаларга мустақилбилимолиш, уз фаолиятини узи ташкил қилиш, уз–узини бошқариш, янги гоёларни ишлаб чиқиш ва хоказоларни ургатишдир. Бу вазифаларни амалга оширишнинг асосий омили – монологик маърузадан диалогик маърузага–мулоқотга ўтишдир.

Психологларнинг тадқиқотлари шахс ҳаёт тажрибасини эгаллашда унда узлигини англаш вужудга келади, жумладан, шахсий ҳаётининг мазмунини англаши, аниқ турмуш режаларини тузиши, келажак ҳаёт йулини белгилаши ва хоказолар амалга ошишини курсатади. Талаба аста-секин микро гуруҳнинг нотаниш шароитларига қуниқиб боради, узининг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини била бошлайди. Юқорида айтилганлардан катъий-назар йигит ва кизларни олий укув юртига қабул қилиш уларда уз қучлари, қобилиятлари, ақл-заковатлари, ички имкониятлари ва иродаларига катъий ишонч тугдиради, ана шу ишонч уз навбатида тулақонли ҳаёт ва фаолиятни уюштиришга умид туйғусини вужудга келтиради. Бу фикрларни Б. Г. Ананьев раҳбарлигида ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди.

Талабалар укув фаолияти муваффақиятининг муҳим шартини олий укув юртидаги таълим жараёнининг узига хос хусусиятларини урганиш, дискомфорт, (ноқулай, ноҳуш) туйғусини бартараф қилиш, микромухитда юз берадиган зиддиятларнинг олдини олишдан иборатдир. Айрим талабалар уз жавобларида бирор хусусиятга эга бўлган материалларни узлаштиришнинг усулларини ҳам ёзганлар. Қуйи курс жавобларидан бирида: «Мен аввал укув материални қисмларга ажратаман, сунг улар уртасида мантикий уйғуликни вужудга келтираман, муҳим ва бирламчи аломатларни топишга ҳаракат қиламан».

Учрайдиган шу қийинчиликларни моҳияти ва шаклига қура қуйидаги ўч гуруҳга ажратиш:

1. Билишдаги қийинчиликлар: укув материалларининг мазмун ва қулаи жихатдан кескин фарқланиши, ўқитишнинг турли шакл ва усуллари (маъруза, семинар, қоллоқвиум, синов, маҳсус курс вабошқалар), семинар ва маъруза материалларининг мураккаблиги, улар ўчун материал олишманбаларихилма–хиллиги, мустақил билим олиш малақалари етишмаслиги ва бошқалар.

2. Ижтимоий–психологик қийинчиликлар: атроф мухит ва ҳаёт шароитининг ўзгариши; ҳаёт ва фаолиятнинг барча жабуаларида мустақилликка ўтилиши, иродавий зур бериш, қобилият, ақлий имкониятлар бўйича катъийтсизлик – масалан, сессияларда, ўқишдан ҳайдалишдан қучиш, қурқиш, ҳавфсирашнинг пайдо бўлиши.

3. Қасбий қийинчиликлар: Олий мактаб шарт-шароитларига мослашиш жараёнини нотўғри тасаввур қилиш, мутахассислик – ихтисослик амалиётдан унумли фойдалана олмаслик, назарий бўюмлар билан амалиётнинг ажралиб қолганлиги, талабаларнинг профессиограммадан ҳабарсизлиги ёки профессиограмма талабларига жавоб берадиган қасбий фазилатларга эга эмаслиги.

Олий укув юрти талабалари қупинча укув материалларини узлаштиришда бу фаолиятни тасодифий бошқаришга ҳаракат қиладилар. Бунда муайян материаллар мантикий ҳаракат билан эслаб қолинса, қолганлари мутлақо диққатдан ўзлаштирилади. Натижада улар маърузанинг бир қисмини тинглайдилар, ўнинг моҳиятини бауранглайдилар, ўни қонспектлаштиришга ўлғурмайдилар. Ўқув йили мобайнида ана шу ҳолнинг давом этиши имтиҳон сессияларини талаба ўчун қаттиқ синовга айлантиради. Шунга қура олий укув юритнинг асосий вазифаларидан бири

талабани укув материалининг асосий манбалари билан ишлашга ўргатишдан, унинг мустакил билиш фаолиятини ташкилкилишдан, уни ўзини бошқариш усуллари билан таништиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳозиев Э. Психология. Т.2004.
2. Ҳозиев Э. Олий мактаб психологияси. Т.2011.

И.Қ. Сирожиддинов, И.И. Солиев
Наманган мухандислик-қурилиш институти
Наманган, Ўзбекистон
ibodullosoliev1981@gmail.com

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ИНСТИТУЦИОНАЛ-ТАШКИЛИЙ ОМИЛЛАР

Аннотация. Мақолада касбий таълим ва олий таълим сифатини ошириш билан боғлиқ институционал омиллар тадқиқ этилган. Таълим сифати назорати ва диагностикаси долзарб йўналишлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: касбий таълим, олий таълим, таълим сфати, таълим сифати диагностикаси, давлат назорати, нодавдавлат назорат.

Ҳозирги замон иқтисодий ривожланиш жараёнларида принципиал жиҳатдан янги тенденциялар тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Улар жумласига юксак даражадаги илмий тадқиқотлар натижаларига таянадиган тармоқлар ва соҳаларнинг иқтисодиётда етакчи мавқеини эгаллаш, ахборот технологияларининг барча соҳаларига жадал кириб бориши ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг нафақат технологик, балки молиявий-иқтисодий жараёнларининг ажралмас қисмига айланишини киритиш мумкин. Шунингдек, макродаражада олиб қаралганда, инновацион ривожланиш ва билимлар иқтисодиёти шаклланиши ҳар бир мамлакат учун устувор аҳамият касб этмоқда.

Жампийат ҳаёти ҳар соҳаси фаолияти муайян институтлар шаклланиши ва ҳаракатланиши орқали содир бўлади. Тадқиқотчилар уларни тўрт гуруҳга ажратадилар: 1) расмий қоидалар (қонунлар, расмий меёрий ва маъмурий ҳужжатлар); 2) норасмий нормалар (анъаналар, урф одатлар); 3) фаолиятни бевосита олиб боровчи ташкилий тузилмалар ёки бирликлар (субъектлар); 4) қоидаларга амал қилинишини таъминловчи идора ва муассасалар. Бунга яна соҳа субъектлари билан соҳага дахлдор ва соҳа билан манфаатлари боғланган бошқа субъектларнинг соҳа фаолияти натижалари борасидаги ўзаро муносабатлари тизимини ҳам киритиш мумкин. Санаб ўтилганларнинг барчаси таълим жараёни боришига ва таълим сифатига муҳим равишда таъсир этади.

Мамлакатимизда содир бўлаётган кенг қўламли туб ўзгаришларга монанд ҳолда ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт учун кадрлар етказиб берувчи касбий таълим ва олий таълимнинг ижтимоий-иқтисодий роли ўзгармоқда. Албатта олий таълим ривожланишининг миқдор ва сифат ўлчамлари мавжуд. Олий таълим мамлакатнинг юқори малакали кадрларга эҳтиёжини турли йўналишларда етарли даражада қондира оладиган қўламларга эга бўлиши лозим. Бошқа томондан, олий таълим тайёрлаб бераётган мутахассислар нафақат ички меҳнат бозорида, балки ташқи меҳнат бозорида ҳам рақобатбардош бўлиши лозим. Чунки иқтисодий субъектлар